



ДЕМОКРАТИК
ДАВЛАТНИНГ
ХУҚУҚИЙ
ПОЙДЕВОРИ

Муносабат | 4 с



ХОРАЗМДА
БАЙРАМ
ТАНТАНАЛАРИ

Жараён | 4 с

ШАМОЛДАН
ҚОЧИБ,
ДОВУЛГА
ТУТИЛЯПМИЗМИ?

Муносабат | 3 с

4



INSON O'ZGARSA - JAMIYAT O'ZGARADI

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ
ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ
ГАЗЕТАСИ



milliy

tiklanish

№ 48 (1098) 2020 йил 9 декабрь, чоршанба

1995 йил 10 июндан чиқса бошлаган www.mt.uz / mtiklanish@mail.ru / mtiklanish@bk.ru

Фақат олдинга

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан халқимизга йўлаган байрам табригида «Янги Ўзбекистон» ибораси халқаро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинаётганига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Чунки, ниҳоятда қисқа бир даврда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қескин ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон дунё ҳамжамияти кўз ўнгига очик жамиятга айлана бошлади. Матбуот, сўз эркинлиги, фуқаролик жамияти институтларининг жамият ривожига ролига сўзда эмас, амалда эътибор қаратилиб, уларнинг талаб ва таклифлари инobatга олина бошланди.

Парламентни том маънодаги халқ уйига айлантириш гоёси амалиётга кўчяпти. Энг муҳими, миллат етакчиси ташаббуси билан ҳукумат ва халқ

ўртасида очик мулоқот майдони яратилди.

Албатта, буларнинг бари Конституциямиз яратиб бераётган сиёсий-ҳуқуқий имкониятлар туфайли амалга ошяпти.

Бугун Ўзбекистонда «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» гоёси асосида тараққиётимизнинг янги даври – Учинчи Ренессансга тамал тоши қўйилаётган экан, энг аввало қонун устувор бўлган жамиятни шакллантириш барчамиз учун энг бирламчи вазифага айланаётганини ҳис этаяпмиз.

Давоми 2-бетда

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН



«КОНСТИТУЦИЯМИЗ
ҚАР БИР ФУҚАРОНИНГ
ОНГИ ВА ҚАЛБИДАН
ЧУҚУР ЖОЙ ОЛГАН,
УЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА
ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТУЛИҚ
КАФОЛАТЛАЙДИГАН
ҲАҚИҚИЙ ҲАЁТ ҚОМУСИГА
АЙЛАНМОҒИ ЛОЗИМ».

Шавкат МИРЗИЁЕВ



«Ўзбекистон
– умумий
уйимиз!»

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Бойсун тумани Кенгаши ташаббуси билан Бойсун Тожик миллий маърифат ва санъат маркази ҳамда 5-умумий ўрта таълим мактаби ҳамкорлигида «Ўзбекистон – умумий уйимиз!» мавзусида маънавий-маданий тадбир ташкил этилди. Унда партия фаоллари, депутатлар, тожик ва бошқа миллат вакиллари, умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этиб, мамлакатимизда миллатлараро бағрикенглик кайфиятини янада



мустаҳкамлаш хусусида сўз юритдилар. Тадбирда Тожикистонда хизмат кўрсатган артист, Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрининг актёри Хайрулло Насриддинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Қосимова ҳамда 5-,33-мактабларнинг фаол ўқувчилари томонидан ижро этилган куй ва кўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Тадбир сўнгида партия сафига қабул қилинган янги аъзоларга партия гувоҳномаси билан бирга байрам совғалари ҳам топширилди. Сурхондарё вилоят Кенгаши Ахборот хизмати

3 с. МИЛЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАР
АСОСИГА
ҚУРИЛГАН
«**ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ**»
ҲАЙДОВЧИЛАРГА
АТАЛГАН СОВҒАЛАР 6 с.

7 ҚОНДЕК ҚИЗИЛ
ТОНГ ШУЪЛАЛАРИ
ЁКИ 1916 ЙИЛИ КЕРЕНСКИЙ
НЕГА АНДИЖОНГА КЕЛГАНДИ?

КИМНИНГ БУЮРТМАСИНИ
бажаряпмиз, Зафарбек?! 5 с.


5 с. Файзбоғ (ТемурМалик)
– Оббо, ҳеч
«тема» топил-
маптику?
– Зериниб
кетдим, шов-
шув кўтаришим
қорак?
– Оқо,
мавзу
топилди-
ку!

6 с. ЭИЗ
лар
йўлидаги
сунъий «**ФОВ**» лар

Партиямиз жамиятда айнан мана шундай уйғониш юз бериши учун барча куч ва имкониятларини сафарбар этишга ҳаракат қилапти. Зеро, аввал ўзимиз ўзгармасак, онгу тафаккуримиз ўзгармаса, ҳеч нарса ўзгармаслигини тушунтириш асосий мақсадимиздир. Юзага келган муаммолар сабабини, айбдорини излаш ва қуруқ иддоолар қилиш билан иш битмайди.

(Бошланғич 1-бетда)

ФАҚАТ ОЛДИНГА



Зеро, қонун ҳукмрон бўлган давлат ва жамиятга тараққий этади, аҳолиси фаровон яшайди.

Қонун эса, аслида ҳар биримизнинг розилигимиз билан ўзимиз учун белгилаб олган ҳуқуқ ва мажбуриятларимиздир. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятларимиз қачонки фуқаролик бурчимиз ва масъулиятимизга айланса, қонунларга ҳурмат ва итоатда бўлсакгина яхши яшай бошлаймиз ва давлатимиз ҳам ривожланади. Бошқача айтганда, қонунларни ўзаро келишувларимизнинг матни, деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Конституция эса, ҳар бир қонун учун чегарадир. Чунки, қонунлар конституциявий тамойиллар доирасида яратилади. Ватан сарҳадлари белгиланганидек, ўзида ҳуқуқ ва мажбуриятларни ифодаловчи қонунларнинг ҳам чегаралари бўлади.

Бу ўринда, барча фуқароларимиз, айниқса, ўсиб келаётган янги авлод зиммасига алоҳида масъулият юклатилаётганини таъкидлаш жоиз. Ёшларимиз давлатчилигимиз ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда барпо этилаётган Янги Ўзбекистоннинг – янги ҳуқуқий-демократик жамиятнинг лидерларига айланишлари керак.

Бунинг учун эса энг аввало, тарбияга, таълимга, юртимиздаги ўзгаришлар ва ҳатто фарзанднинг ота-онасига бўлган муносабати ҳам ижобий томонга ўзгаришига эришишимиз лозим. Зеро, бу жамиятимиздаги маънавий муҳитни белгилаб берувчи энг асосий мезонлардан биридир. Халқимизнинг асрий қадриятлари мужассам бўлган дастур – Конституциямизда ҳам фарзандларнинг ота-оналарига ғамхўрлик қилиш мажбуриятининг белгилаб қўйилгани шундан.

Учинчи Ренессанс – мактаб остонасидан бошланар экан, умуммиллий тарбия ва умуммиллий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш орқали Ўзбекистоннинг фидойи ва миллатпарвар янги авлодини тарбиялаш устувор мақсадимизга айланмоғи

даркор.

Айни вақтда янги Ўзбекистонда инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларига, айниқса унинг эркинликларига қаратилган эътибор ҳар қачондан юқори даражага кўтарилганини жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Хусусан, табрикда қайд этилганидек, кейинги тўрт йилда 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилинди, жорий йилнинг ўзида 300 нафардан ортиқ шахс афв этилиб, 200 нафар маҳкумнинг жазо муддатлари қисқартирилди. Қуни кеча эса Президент фармони билан яна 104 нафар фуқаро кечирилди. «Меҳр-3» операцияси доирасида эса Суриядан 25 нафар аёл ва 73 нафар боладан иборат яна 98 кишининг Ўзбекистонга қайтарилгани Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари борасида ижобий ишлар янги босқичга кўтарилаётганини англа-тади.

Кечагина эса, Ўзбекистоннинг диний эркинлик бўйича «Махсус кузатувдаги давлатлар рўйхати» (Special Watch List)дан чиқарилгани ҳам маълум бўлди. Бу ҳам ушбу соҳада қўлга киритаётган ютуқларимиздан биридир.

Албатта, чорак аср мобайнида йғилиб қолган оғир ижтимоий муаммоларни қисқа муддатда тўла бартараф этиш оғир кечяпти. Мактаб ва мактабгача таълим тизимидаги муаммолар, педагогларга муносиб иш шaroитлари яратиш, фарзандларимизнинг эмин-эркин тарбия ва таълим олишлари учун қулайликлар яратиш масалалари ҳам Бош Қомусимизда ўз аксини топган. Шунингдек, чет давлатларга иш излаб кетган юртдошларимиз ҳуқуқини ҳимоя қилиш, билиб-билмай турли оқимлар ва кучлар таъсирига тушиб қолганларни авф этиб, Ватанга қайтариш билан боғлиқ масалалар оғриқли ҳаётий муаммоларимиз саналади.

Мана шундай эзгу ҳара-

катларимизнинг салмоғи ошиши, энг асосийси юқоридагидек хатоларнинг такрорланмаслиги учун ҳар биримиз аввало ўзимизни, онгу тафаккуримизни ўзгартиришимиз зарур. Агар ўзимиз ўзгармасак, жамият ўзгармайди.

Байрам табригида яна бир муҳим масалага эътибор қаратилди. Яъни, Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этаётгани, жумладан, халқ манфаатларига, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш, давр талабларига жавоб бермайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиб, қонунчилик базасини ихчамлаштириш, бизнес фаолиятини тартибга солиш борасидаги ортиқча нормаларни камайитириш зарурлиги таъкидланди. Ушбу вазифаларни бажаришда эса, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўлишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Чиндан ҳам биз – сиёсий партиялар вакиллари, барча даражадаги депутатлар фаолияти юртдошларимизни қониқтираётгани йўқ. Ижтимоий-иқтисодий муаммолар, халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлайдиган ва тўғридан тўғри амал қиладиган қонунларни ишлаб чиқишга қаратилган эътибор кучайтирилиши лозим.

Яна бир мулоҳаза. Конституциямизда ўз ифодасини топган адолат принципини ҳаётимизда рўёбга чиқариш, кўп жиҳатдан қонунларни қай даражада билишимизга боғлиқ. Шундай экан, ҳуқуқий билимларимизни мустаҳкамлашимиз нафақат ҳуқуқларимизни фаол ҳимоя қила олишимиз, балки, муҳокама қилинаётган қонунлар лойиҳасига кўпчиликнинг манфаатларига хизмат қилувчи асослантирилган таклифлар беришимизга ҳам йўл очади.

Қолаверса, жамиятимизда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши, Консти-

туция ва қонунларимизда белгиланган нормаларнинг ҳаётимизда тўла тўқис ўз аксини топишида муҳим ўрин тутари.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз моҳиятини, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва ролини қанчалик чуқур ҳис этсак, қонунлардан хабардорлигимиз ортса, «ўзи ҳам, сўзи ҳам, кўзи ҳам қонун» бўлган фаровон жамиятга етишимиз тезлашади. Фақат бунда жамиятимиздаги мавжуд муаммоларни очиқ-ойдин муҳокама қилиш, яъни ҳеч қачон ортага қайтмайдиган очиқлик сиёсати жараёнида қимларидир айблаш, бармоқ билан кўрсатиш эмас, балки ана шу муаммоларни биргаликда бартараф этиш бизни кўзлаган марраларимизга тезроқ элтишни теран ағлашимиз керак. Партиямиз жамиятда айнан мана шундай уйғониш юз бериши учун барча куч ва имкониятларини сафарбар этишга ҳаракат қилапти. Зеро, аввал ўзимиз ўзгармасак, онгу тафаккуримиз ўзгармаса, ҳеч нарса ўзгармаслигини тушунтириш асосий мақсадимиздир. Юзага келган муаммолар сабабини, айбдорини излаш ва қуруқ иддоолар қилиш билан иш битмайди. Кимдир четдан келиб ҳам дардимизга малҳам бўлолмади, аксинча, ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Бунда айнан Конституция биз учун ҳуқуқ-эркинликлари ва мажбуриятларини тўғри ағлай оладиган жамият аъзоларидан иборат очиқ ва эркин фуқаролик жамиятини қуришимизда дастурий ҳужжат бўлади. Бу йўлда партиямиз Президент илғари сурган ташаббуслар атрафидидаги ислохотларни тўқил қўллаб-қувватлайди ҳамда самарадорлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаверади.

Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши раиси.

БИР ҲАҚИҚАТ ҲАММАМИЗГА АЁН БЎЛИШИ КЕРАК: БАРЧА СОҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ҚАТОРИ ЖАМИЯТИМИЗДА ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК, ЎЗИНИ ЎЗИ ТАНҚИД ВА ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ЭНДИ ҲЕЧ ҚАЧОН ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ ВА БИЗ БУ ЙЎЛНИ ҚАТЪЙ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КОНСТИТУЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 28 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИДАН



ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган | **14 мартда ўзгариш ва қўшимчалар киртилган**

ТУЗИЛИШИ | 6 бўлим | 26 боб | 128 модда

- Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи** | Яшаш ҳуқуқи
- Фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи** | Ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи
- Ўзбекистон Республикасида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи** | Касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи
- Жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи** | Ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи
- Ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намоёнликлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқи** | Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи
- Мулқдор бўлиш ҳуқуқи** | Илмий ва техникавий инновацияларни қўллаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи
- Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи** | Билим олиш ҳуқуқи
- Меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи** | Илмий ва техникавий инновацияларни қўллаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи

«ОЧИҚ МУЛОКОТ»га таклиф этамиз!

+99899 4032274
e-mail: mtiklanish@bk.ru

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«Миллий тикланиш» ижтимоий-сиёсий газетаси бугунги туб ислохотлар даврида Сизларга кенгрок маълумотлар бериш, мамлакат сиёсий майдонидаги энг сўнгги янгиликлар хусусида таҳлилий ахборотлар тарқатиш мақсадида таниқли сиёсатшунослар, парламент аъзолари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан «Очиқ мулоқот»лар ташкил этмоқда.

Қадрли газетхонлар!

«Очиқ мулоқот»ларда ўзингизни кизиқтираётган саволлар билан иштирок этинг, муаммолари масалаларга мутасаддилар эътиборини қаратинг. Зеро, юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида биргаликда ҳаракат қилсакгина реал натижаларга эришамиз. (99) 403-22-74 рақамига саволларингизни йўллан.



Жаҳонгир Ортиқхўжаев, Тошкент шаҳар ҳоқими, Олий Мажлис Сенати аъзоси



Дилмурод Набиев, Жисмоний тарбия ва спорт вазир



Шавкатжон Абдураззоқов, Наманган вилояти ҳоқими



Жамшид Ходжаев, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазир



Азиз Абдурахимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси



Асаджон Ходжаев, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори



Яхшилар масъулият билан иш қилишлари учун қонунларга муҳтож бўлмайдилар. Ёмонлар қонунларга чап бериш учун йўл топадилар.

Афлотун

8 dekabr
O'zbekiston Respublikasining
Konstitutsiyasi kuni



«КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ОНГИ ВА ҚАЛБИДАН ЧУҚУР ЖОЙ ОЛГАН, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТЎЛИҚ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ҲАҚИҚИЙ ҲАЁТ ҚОМУСИГА АЙЛАНМОҒИ ЛОЗИМ».

Шавкат МИРЗИЁЕВ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИГА ҚУРИЛГАН ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Муқаддима»да «Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниш» тамойили белгиланган бўлиб, ушбу тажриба уч минг йиллик давлатчилик даврини қамраб олади. Тарихий тажриба деганда, энг аввало, Амир Темури даврида яратилган бебаҳо мерос – «Темури тузуклари» ёдга олиниши бежиз эмас. Чунки ушбу ноёб асар ўша даврининг ўзига хос Қомуси эди.

Маълумки, Амир Темури ўз даврида том маънода манбаси халқ бўлган сиёсий тузилмани яратди. Унда давлат, жамият, шахс муносабатлари биринчи ўринга қўйилди. Бу ўз навбатида, шарқона тараққиёт мактаби ҳам эди. Шу маънода мустақил Ўзбекистон Конституциясининг яратилишида Амир Темури мероси асос бўлиб хизмат қилган, десак хато бўлмайди.

Зеро, Амир Темури давридаги «девон», «вазир», «ҳоким», «ғазначи» каби мансаб ва унвонлар бугунги давлат бошқаруви тизимида ҳам алоҳида институтлар сифатида шакллантирилган. Шунингдек, мамлакатнинг вилоят ва туманларга бўлиниши ҳам тарихий ҳақиқатнинг қайта тикланганидан далолатдир. Амалдаги Олий Мажлис эса «Курултой» деб аталган сиёсий институтнинг ривожлантирилган шаклидир.

Темурийлар даврида ҳам курултойлар қақчилган, барча миллат ва элатларнинг вакиллари иштирокида машваратлар ўтказилган, давлатни бошқариш, режалар белгилаш, эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклифлар олинган, тегишли қарорлар ва амру фармонлар эълон қилинган.

Халқаро экспертлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилган яна бир хусусият, бу – Конституциянинг «Ўзбекистон халқи» деб бошланишидир. Бундай жумлаларни бошқа бирон-бир ҳужжатда учратмаймиз. Асосий Қонунимизнинг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан катъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб кўрсатилиши Бош Қомусимизда халқимизнинг толерантлик анъаналари ўзида мужассам этилганлигининг далолатидир.

Миллий қадриятларимиз ҳақида гап кетганда, Конституциянинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили эканлиги мустақамлаб қўйилганига эътибор қаратишнинг ўзи киёф. Чиндан ҳам тил – ҳар қандай миллий қадриятларнинг кўзгуси саналади. Шу билан бирга, айнан ушбу моддада халқимизга хос бўлган бағрикенглик хислатига эътибор қаратилганини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Унга кўра, юртимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одат ва анъаналари ҳурмат қилинишининг таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароитлар яратилиши белгилаб қўйилган. Бу эса ана шу миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик риш-

талари мустақамлигининг гаровидир.

Бугунги туб ислохотлар даврида ҳам ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонларида ҳам халқимизнинг тилга бўлган эътибори ўз инъикосини топган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаментининг ташкил этилиши ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг янги тахрири устида жиддий ишлар олиб берилганлигининг боиси ҳам шунда.

Конституциянинг шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар, деб номланган еттинчи бобидаги моддаларда халқимиз томонидан эъозланиб келинадиган қадриятлар – адолат, иймон, олижаноблик, фидойилик, инсонга ғамхўрлик, мардлик каби эзгу фазилатлар акс эттирилиши билан бирга, инсон қадр-қимматини камситмаслик, беғуноҳ инсонларга тўхмат қилмаслик, шаъни ва обрўсига тажовуз қилмаслик каби азалий одатларимиз ҳам ўрин олган.

Қадриятлар ҳақида гап кетганда, Конституциянинг 31-моддаси виждон эркинлиги ва эътиқод эркинлигига бағишланганини қайд этиш жоиз.

Қомусимизнинг 49-моддасида эса халқимиз томонидан яратилиб, асрлар оша сайқалланиб келган тарихий, маънавий ва маданий меросимизни асраш мажбурияти белгилаб қўйилган. Биз учун энг қадрли қадриятлардан бири, бу шубҳасиз, оила саналади. Оила халқимиз томонидан азалдан муқаддас ва улғу даргоҳ сифатида эъозланиб келинган. Шунинг учун ҳам Конституциямизда оилага бағишланган алоҳида боб бўлиб, унинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилган ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи мустақамлаб қўйилган.

Ушбу боб шарқона тамойилларни ўзида мужассам этгани билан ҳам бошқа мамлакатлар конституцияларидан тубдан фарқланади. Мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган оила сиёсати аҳоли бандлигини ва реал даромадларини изчил ошириб боришга, фуқаролар фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга ҳам қаратилган.

Шуни тан олишимиз кераки, оилада шаклланган соғлом муҳит фаровон турмуш, осуда ҳаёт тарзимизнинг мустақам пойдевори ҳамдир.

Конституциямизда оила ҳақида белгилаб қўйилган норманиннг ҳаётийлигини рўёбга чиқариш, умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида оилалар барқарорлигини таъминлаш тизимини барпо этишга қаратилган нормаларни ўзида акс эттирган

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинди. Унда оилавий муносабатларда фуқаролик, аёл ва эркек, ота-она ва бола ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби оила ва оила аъзоларининг жамиятдаги фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий асослар мустақамлаб қўйилди.

Оила ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақида гап кетганда, Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2018 йил 27 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустақамлаш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори моҳиятига тўхталиш ниҳоятда муҳимдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги қарори билан эса ҳуқуқат ҳузурида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ташкил этилди. Жорий йилда ушбу марказ Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти сифатида қайта ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган туб ислохотлар натижасида оилавий ажирлар сони сезиларли даражада камайди. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний «Ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядир», деб ёзган эканлар. Конституциямизнинг 64-моддасида ҳам ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари белгиланган.

Дарҳақиқат, ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар моддий таъминлаш ва тарбиялаш мажбурияти бу уларнинг болалар ва, албатта, жамият олдиди мажбуриятларидир. Вояга етиш ёши мамлакатимизда 18 ёш тарзида белгиланган.

Шу ўринда ота-оналар ўзларининг вояга етмаган фарзандларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканликларини таъкидлаш жоиз.

Халқимиз азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Ҳар бир ота-она ўзидан зурриёт – солиҳ фарзандлар қолдиришни хоҳлайди.

Аммо афсуски, мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида рўй бераётган нохуш воқеа-ҳодисалар ота-оналик масъулиятини янада оширишни талаб этаётгандек туюлади. Гоҳида оналарнинг ўз фарзандлари келажагига поккайд қарашлари, ўз боласини етти ёт бегоналарга топшириб ўзга юртларга кетиб қолаётгани, фарзанд саналмиш олий неъматнинг қадрига етмай, уларга турли зиёнлар етказиши ва хатто ўз боласининг қотилига айланаётгани оила, ота-она ва фарзанд масаласидаги қарашларимиз дарз кетаётганидан, албатта.

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар етти ёт бегона болаларни ҳам ўз фарзандидек вояга етказдилар. Яна шундай аёллар борки, тирноққа зор, уларнинг юрагини доимо фарзанд кўриш дарди азоблайди. Уз қорнида тўққиз ой кўтариб, норасида гўдаги дунёга келганида эса уни ер-у кўкка ишонмай, пар-

вариш қилади.

Шундай бир ҳақиқат борки, бугун олдимизда турган энг улғу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Умуман, ҳар қандай оиланиннг мустақамлиги, оилавий тарбиянинг таъсирчан, ва самарадор бўлиши кўп жиҳатдан оилада қарор топган ўзаро муносабатларга, маънавий-ахлоқий иқлимга боғлиқ. Зеро, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) нинг Ҳадиси шарифларида айтилганидек: «Ота-оналарнинг фарзандларига қолдирадиган энг катта мероси уларга берадиган таълим-тарбияси, гўзал одоби ва ахлоқидир».

Ислом динида фарзанд дунёга келгач, ота-она фарзандини ҳалол ризқ билан боқиши, болага чиройли ва маъноли исм қўйиши, имкони бўлса ақиқа, ўғил бўлса суннат қилиш, ҳамма фарзандларини бир хилда кўриш, фарзандларининг яхши кишилар билан дўст бўлишига эътибор бериш, болани одобли қилиб тарбиялаш, яхши ва ёмонни ажратишга, касб-хунар ва билим олишга ўргатиш, уйланиш ёшига етганида фарзандларини уйлантириши зарурлиги ҳақидаги бурч ва вазифалар белгиланган.

Жумладан, Абу Ҳурайра р.а Пайғамбаримиз (с.а.в) дан ривоят қиладилар: «Отаниннг ўғлидаги ҳаққи учтадир. Туғулса, яхши исм қўйиш,

ақли етса, Қуръонни ўргатиш, балоғатга етса, уйлантириш». Бош Қомусимизда ҳам ота-она ва фарзанд зиммасидаги масъулиятга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки, мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг асл моҳияти инсонлар ҳаётининг бугуни ва эртасини обод этишдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, бола ота-онаниннг қувончи, фахри, бахтидир, эрхотининг бир-бирига пайванд қиладиган ҳам аслида фарзанддир.

Асосий Қонунимизнинг 66-моддасида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», дейилганига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Зеро, оқил фарзандлар ўстириш, уларга ғамхўрлик қилиш ота-онаниннг гарданиди бўлиши, болалар вояга етгач эса, аксинча, ота-онаниннг қанотидан кириб, уларнинг хизматига туриши миллатимизнинг қон-қонига синган олий қадриятларимиздан саналади. Аммо гуруч қурмакисиз бўлмаганидек, фарзанди таъминотидан бўйин товлайдиганлар, ота-онасига ғамхўрлик қилишни унутган кимсалар ҳам орамизда учраб турибди. Шу боис, ушбу оилавий муносабатлар қонун йўли билан тартибга солиб қўйилган.

Ушбу нормага кўра, ҳар бир фарзанд ота-оналари турмушидан хабардор бўлиб, сиҳат-саломатлигига катта

эътибор бериши, улар муҳтож бўлган нарсаларни муҳайё қилиб туришлари лозим. Конституциямизга мувофиқ, бундай мажбурият вояга етган ва меҳнатга лаёқатли фарзандлар зиммасига юклатилади.

Кайковус ўзининг «Қобуснома» асарида шундай ёзади: «Ҳар киши ота-онаниннг яхшилигини билмаса, бировнинг яхшилигига баҳо беролмайди ва ўз фарзандинг сени ҳурмат қилишини истасанг, сен ҳам ота-онаниннг хурмат қил, чунки сен ота-онанг ҳақида нима иш қилсанг, фарзандларинг ҳам сенга шундай иш қилади».

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида ҳам вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шартлиги белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Бош Қомусимизнинг дунёнинг энг халқлиқ қомусларидан бири сифатида эътироф этилаётгани бежиз эмас. Конституциямизнинг миллий қадриятларимиз асосига қурилгани эса унинг яна бир бор халқона ҳужжат эканини кўрсатади.

Нодиржон МУХТОРОВ,
Ўзбекистон «Миллий тиклиши» демократик партияси Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

✓ Муносабат

Шамолдан қочиб, довулга тутиляпмизми?



Тобора чуқурлашиб бораётган бир ҳолатга диққатни қаратмоқчиман.

Турли соҳалар ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни очиб-ойдин айтаётганимиз яхши, албатта. Бу сўнги йилларда қўлга киритилган катта ютуқларимиздан биридир.

Бироқ муаммоларни кўтариб чиқаётганларнинг айримлари ўзларини шундай тутмоқдаларки, гўёки улар бошқа дунё, улар танқид қилаётган эл-юрт эса бошқа бир дунёдек.

«Ўзбекистонда фалон нарса йўқ», «Ўзбекистонда тугун нарса яхши йўлга қўйилмаган», «Ўзбекистонistoniston масалада анча орқада қолиб кетган», хуллас, Ўзбекистон ундай, Ўзбекистон бундай қабилидаги чиқишларга гувоҳ бўляпмиз. Шу ўринда ҳақли саволлар туғилади: нима, Сиз бу юртдан эмасмиз, Сиз шу миллатнинг бир ўғил ё қизи эмасми, ёки бу юртга бегонамисиз?

Балки адашаётгандирми, бироқ айрим чиқиш эгалари ўзларини хатто душмандек, четдан келган босқинчи ва бошқарувчидек тутмоқдалар. Айримлари эса ўзларининг «устуникларини» билан туриб ва уни суиистеъмом қилган ҳолда авомболик, одобсизлик қилаётганларини илғамаслик мумкин эмас.

Нима, шамолдан қочиб, довулга тутиляпмизми? Эркинликдан қутилиб, энди ўзбўларчилик тўрига

тушмоқчимизми? Тарихчи сифатида шундай айтмоқчиманки, айримларнинг ўзларини тутишлари худди Россия империясида 1917 йилги октябрь тўнтарышидан кейин ҳокимиятга келган йўқсилларнига ўхшаб кетмоқда...

Биз доимо сўз ва фикр эркинлиги тарафдори бўлиб келганмиз. Бугун ҳам шу йўлдан қайтмаймиз. Бироқ бу миллатимиз ва давлатимизни ерга уриш, негизини бузиш эвазига амалга оширилмаслиги керак.

Негаки, ҳар қандай эзгу ният ва интилишларимиз, жумладан, шахсий манфаатларимиз ҳам, ҳар қандай халқ ва авлодга ҳам насиб этавермайдиган икки омилнинг бор-йўқлиги, кучли-кучсизлигига боғлиқдир. Бу — миллат ва давлатдир!

Уларни билмаган, ўзини билмайди, уларни хор қилган, ўзини хор қилади. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди, қўймаймиз ҳам!

Азамат ЗАЙНнинг «facebook»даги саҳифасидан олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

КОНСТИТУЦИЯ

ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИНГ

ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИДИР



Хар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат – қонун, фармон, қарорлар авваломбор Конституцияга асосланади. Бошқача айтганда, Конституция – Бош Қонун бўлиб, шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини тайёрлашда уч манбага таянган.

Биринчи манба: кўп асрлик бой миллий ҳуқуқий мерос. Айнан шунинг учун ҳам Бош Қомусимизда энг аввало ўзбек миллатининг тарихий анъаналари, тафаккури ўз аксини топган. Айтиш жоиз, бизнинг Конституциямиз нафақат юридик ҳужжат, балки у миллий мафкурамизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий асосини ташкил этувчи умуминсоний ғояларга хизмат қилади.

Иккинчи манба: инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар. Маълумки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тўла ўз ифодасини топган. Хусусан, Асосий Қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи 34 та модда мавжуд. Унинг муқаддимасидан тортиб, яқунловчи қоидаларига қадар инсон ва унинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик ғоялари сингди-

рилган.

Собиқ иттифоқ даврида давлатнинг манфаатлари шахс манфаатларидан устун экани қатъий белгилаб қўйилган бўлса, ушбу масала мустақил Ўзбекистон Конституциясида адолатли ҳал этилган. Яъни, шахс манфаатлари устунлиги, уни “олий қадрият” деб эътироф этиш нуктаи назаридан ҳал этилган (13-модда).

Конституциянинг иккинчи бўлими бевосита фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига бағишлангани билан алоҳида аҳамият касб этади. Унда инсоннинг шахсий ҳуқуқларидан бошлаб, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларигача ўз аксини топган. Масалан, яшашига бўлган ҳуқуқни олсак. Билмишми, ҳаёт инсонга Аллоҳ таоло томонидан берилган энг буюк нёъматдир. Ундан маҳрум этиш эса инсонпарварликка зид ҳисобланади. Айнан шунинг учун Конституциянинг 19-моддасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қандай эмаслиги кўрсатилган. 24-моддада эса “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”, деб белгиланган. Ёки 31-моддада мувофиқ ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиб, унда ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Фуқароларга берилган ижтимоий ҳуқуқлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Айниқса, “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”, деган қоидадан айнан Асосий Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган, бу маънада инсоннинг ҳаётининг ижтимоий муҳтож қатламга ғамхўрлик кўрсатиш кафолатланганидан далолат беради.

Бош Қонунимизда қатъий ифодаланган яна бир муҳим масала фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлари масаласидир. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий манфаатларидан келиб чиқиб, Конституция хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг давлат томонидан ҳимояланиши (53-модда) ҳамда ҳар кимнинг мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини (36-модда) мустаҳкамлади.

Учинчи манба: хорижий конституциявий таъриба. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси ривожланган давлатларнинг тарихий таърибасини ўрганган ҳолда яратилган ва у жаҳон Конституциявий амалиётига тўла мос келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2014 йилда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)“ги

Қонун қабул қилинди.

Эътироф этиш жоиз, Конституциянинг биргина 32-моддасига киритилган қўшимча – “давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш” бугун халқаро жамоатчилик тан олган “Ўзбек модели”нинг ўзига хос жиҳатларидан бири эканини тасдиқлайди. Шундай қилиб, жамоатчилик назорати Конституциявий институт мақомига эга бўлди. Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, авваломбор парламент палаталарининг ўрни ва ваколатларини яна-

Бугун мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, пировардида, халқ манфаати, юрт ободлиги, давлат тараққиёти йўлида амалга оширилаётган туб ислохотлар замирида **Бош Қонунимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий нормалар мужассам. Бу – Конституциямизнинг ҳақиқатан ҳам халқчил, мамлакатимизнинг стратегик максадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган муҳим сиёсий ҳужжат эканидан далолат беради.**

тўртта янги кодекс, 186 та қонун, 1 209 та Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Шу ўринда, жорий йилнинг 23 сентябрь кунин Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратиш тақлифи халқаро ҳамжамият томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланганини таъкидлаш жоиз.

Мазкур маърузада мамлакатимизда ёшлар масаласи, гендер тенглик сиёсати устувор масалага айлангани, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ва роли тобора ортиб бораётгани, янги парламентда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайгани, энг муҳими, юртимизда мажбурий ва болалар меҳнатига бутунлай барҳам берилгани ва инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилингани, БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайитиришга қаратилган қаҳриғига жавобан шу йилнинг ўзида 50 минг юрдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилгани маълум қилинди.

Шавкат Мирзиёев мазкур халқаро анжуманда қашшоқлик масаласига ҳам тўхталиб, жаҳоннинг турли нуқталарида давом этаётган нотинчлик, зиддият ва зўравонликлар, экологик офат ва бошқа хатарлар айнан қашшоқлик ва камбағалликни глобал муаммага айлантиргани, бу муаммо, айниқса, пандемия шароитида янада кескинлашганини таъкидлади. Шу боис, қашшоқлик овози дунё ҳамжамиятини, қолаверса, барчани бирдек безовта қилиши зарурлигини айтиб, ушбу муаммага қарши курашиш масаласини БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида асосий мавзулардан бири сифатида белгилаш ҳамда бу бўйича глобал саммит ўтказиш тақлифини илгари сурди.

Маълумки, ҳар қайси инсон ва ҳар қайси оиланинг орзу-мақсадлари авваломбор уларнинг авлодлари тимсолида намоён бўлади. Шунинг учун мамлакатимизда келажакимиз эгалари – фарзандларимиз камолоти йўлида таълим-тарбия, маданият ва спорт, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилиб, зарур шарт-шароит ва имкониятлар муҳайё этилмоқда.

Бугунги шиддат ила ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги вазифалар қўйиши баробарида, улкан имкониятлар эшигини ҳам очмоқда. Шу маънода, аввало инсоннинг онги ва дунёқарши, фикри ўзгармас экан, жамият ўзгармайди. Инсоннинг онгу тафаккурини ўзгартирувчи куч эса, шубҳасиз, аввало одоб-ахлоқ, билим ва маънавият, ўзликини англашдан бошланади.

Турсуноյ МУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ТАЯНЧИ



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Хоразм вилояти Кенгаши «Ёшлар қаноти» Урганч давлат университети билан ҳамкорликда «Конституция – миллий тикланиш ва юксалиш таянчи» мавзусида тадбир ташкил этди.

Унда Бош Қомусимизнинг ҳаётимизда тугган ўрни, халқимизни, айниқса, ёшларни миллий-маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни бой маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлашга ўргатиш лозимлиги таъкидланди.

Маълумки, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг кўпминг сонли аъзолари ҳам Конституциямизда белгиланган асосий қоида ҳамда меъёриларнинг муваффақиятли рўёбга чиқишида фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Конституциядаги асосий қоида ва принциплар асосида парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти давомида миллий хусусиятлар ва қадриятларнинг ифодаланишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу эса, қонунларнинг миллий ўзига хослик руҳи ва манфаатларимиз асосида ишлаб чиқилишида муҳим ўрин тутаётди.

– Орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз янги-янги авлодлар учун ҳаёт қомуси, даврнинг ўзи ўртага қўядиган долзарб муаммоларни ечиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади, – деди тадбирда партия вилоят Кенгаши раиси Ражаббой Рўзметов.

Шахруза МАТЯҚУБОВА



”

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда сўз юртдада, шу йил сентябрь ойда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари суралган бир қатор глобал ва минтақавий ташаббуслар, аниқ амалий тақлифлар халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланганини таъкидлаш ўрнидир.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ
 КОНСТИТУЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ
 28 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБИТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН
 ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИДАН

да кенгайтириб, уларнинг ижро ҳокимияти устидан назорат функцияларини кучайтирди.

2019 йилда Конституцияга шахснинг сайловларида иштирок этиши юзасидан ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни янада кенгайтиришга қаратилган ўзгартишлар киритилди. Жумладан, илгари озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган ҳар қандай шахс сайловда иштирок эта олмаган бўлса, эндиликда фақат оғир ва ўта оғир жиноят содир этгани учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларгина сайловда иштирок эта олмайдди. Бундан ташқари, Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, ҳукуматни шакллантиришда парламентнинг роли ошди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш ва маъқуллаш институти киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиз халқимиз хоҳиш-иродасини ифода этувчи демократик давлат, фуқаролик жамияти ва эркин ҳаёт қуриш ҳамда уни ривожлантиришнинг истиқболларини белгиладиган ҳужжатдир.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси

Мана 28 йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳеч қандай қарам бўлмаган, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон ҳаётимизнинг қонуний кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозим, айна вақтда Бош Қомусимиз талабларини беками кўст ҳаётига жорий этиш, унда белгиланган ҳуқуқий нормаларни тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларини тақомиллаштириш бўйича ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Хусусан, бу борада бажаришимиз керак бўлган вазифалар, аввало, халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш каби масалаларни қамраб олиши керак.

Конституциямизнинг асосий тамойиллари ҳаётининг таъминлашда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси алоҳида ўрин тутиб, яқин истиқболга мўлжалланган бу муҳим ҳужжат жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислохотларни “йўл харита”лари орқали амалга ошириш механизмларини яратиш бери.

Сўнги уч йилда фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ-эркинликларини амалда таъминлаш, мустаҳкам қонунчилик базасини яратишга қаратилган 5 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан,



Тилки фасеҳ ва дилпазир бўлмай, хуброқ
бўлмай агар кўнгул била бир бўлмай.

Алишер Навоий

Блогер Зафарбек Солижонов «Миллий тикланиш» ижтимоий-сиёсий газетаси обунасини ташкил этишда ёрдам сўраб, Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдуразақов номига юборилган хатни ўз телеграм каналда эълон қилиб, шу баҳона яна «мажбурий обуна» масаласига муносабат билдирибди. Бу 2019 йили Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ташаббуси билан бошланган ва «мажбурий обуна» компанияси номи билан янги тарихимиз саҳифаларига мустақкам муҳрланган тадбирларнинг илк кунларидаги қайноқ эҳтиросларни эслати, менга.

КИМНИНГ БУЮРТМАСИНИ БАЖАРЯПМИЗ, Зафарбек?!

Келинг, ушбу масалага кенгроқ ёндашайлик. Тан олиш керак: ўшанда Ш.Шерматовнинг халқпарварона чиқиши ҳеч бир фуқарони эътиборсиз қолдирмади. Чунки устоз ва мураббийларни мажбурий меҳнатга жалб этиш, уларга маҳаллий раҳбарларнинг энг арзон югурдаги сифатида қараш жамиятнинг тузалмас иллатларидан бирига айланган бўлса-да, бу ҳақида ёзиш, гапиришга ҳеч қандай жўрват қилмасди. Ҳақиқатда бу педагоглар маошини кўтаришни ваъда қилган вазирининг қуйинчақлиги шу тариқа юртдошларимиз томонидан ёлпасига қўллаб-қувватланди. Вазири жано-блари ўз нутқларидан бирида «мажбурий обуна» масаласини ҳам кўтариб, бу борадаги хатоларга ҳам кескин муносабат билдирдилар. Чиндан ҳам ҳукумат ва бошқа кучли муассисларга эга наشرлар обунаси асосан таълим тизими орқали амалга оширилди, бундан ҳеч қандай инкор этмасди ҳам. Аммо кўп ўтмай «мажбурий обуна» баҳонасида тизим учун сув ва ҳаводек зарур бўлган наشرлар обунаси ҳам таққийланди. Вазири ҳукумат наشرлари учун «таълим хати» тайёрлаб имзо чекиди, аммо таълим тизими ходимлари малакасини ошириш, уларга замонавий педагогика талабларидан доимий тарзда ахборотлар берувчи «Маърифат»га обуна бўлишни очик-ойдин қоралади бошлади. Ҳатто ўзи севган наشرларга ўз ихтиёри билан обуна бўлган педагоглар номи вазири севган ва инонган ижтимоий тармоқларда

танқид қилинди. Энг ёмони, вазириликдаги даҳолар ташаббуси билан адабиёт, санъат, маънавият ва маърифат, шунингдек болалар ва спортга ихтисослашган наشرлар ҳам четга сурилди. Бундан кўзланган асосий мақсад таълим тизимини «планшет»лар билан бошқариш тизими яратилаётгани экан. Айтишлари-ча, аънанавий матбуот бунга тўсиқ бўлиши мумкинлиги назарда тутилиб, обуна қатъий назоратга олинган экан. Ҳатто ҳафта шу мавзу яна «тренд»га айлана бошлади. Ҳатто хориз матбуоти ҳам жон ҳолатда «мажбурий обуна» борасида фикр юритиб, бундан азоб чекаётганлар учун қайғура бошлади... Майли, «мажбурий обуна» байроғини баланд кўтариб, аънанавий матбуотдан юз ўгиришни маслаҳат бераётган кимсаларнинг айтганини қилайлик. Ҳукуматимиз, айниқса, ёш педагогларимизни «Маърифат», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталари, «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти» сингари журналларни қўлларига ҳам олмай-диган қилайлик. Уларга китоб ўқишни тавсия қилишни ҳам «мажбурий ўқув» деб атайлик. Давлат ташкилотлари ходимларига эса ҳукумат, сиёсий партиялар наشرларини ўқишни маънавий айтилик, болаларимизга ҳам бир йўлини қилиб «Тонг юлдузи», «Ғунча», «Гулхан», «Класс», «Жажжи академик», «Бола-лар спорт» каби наشرларни, ўсмирларимизга эса «Ёшлик» журнали ҳамда ёшларбоп газеталарни ўқишни бутунлай таққийлайлик...

Қандай қилиб бўлса ҳам «Ишонч»ни қасаба уюшма-ларини тизимидан, «Жамият», «Хуррият», «Нуроний», «Маҳалла», «Оила ва жамият» ва «Оила даврасида» сингари ўнлаб газеталарни жамиятдан юлиб олайлик. Бу ҳукумат газетаси, дея «Янги Ўзбекистон»ни, бу парламент наشري дея «Халқ сўзи»ни тўхтатиш тўғрисида қарорлар қабул қилайлик... Тан олайлик, кейинги 2-3 йилдан бери ими-жимиди миллий матбуотга хусусан, босма наشرларга нисбатан ана шундай сиёсат юритила-пти. Бугунги тўб ўзгаришлар даврида газеталарнинг, журналистларнинг қарашлари, воқеликка муносабати бутунлай ўзгаргани эса ҳеч қандай қизиқтирмапти ҳам. Ваҳоланки, блогеримиз тилга олган «Миллий тикланиш» ҳам, бошқа сиёсий наشرлар – «XXI аср», «Адолат» ҳам ўзгарди... Аммо негадир бундай ўзгаришларни илгамаяпмиз, кўриб кўрмасликка оляпмиз. Гўёки вазиятни реал баҳола-сак, ўзгаришларни тан олсак, миллий матбуотни қўлласак, минг-минглаб ҳамкасбларимизни, уларнинг оиласини шу йил билан суясақ, кимнингдир «бўюртма»сига қарши иш қилмайдигандекмиш... Ҳўш, агар томошабин-лик позициясида туравер-сак, маҳаллий раҳбарлар жамиятга ҳолис ахборот тарқатаётган, ижтимоий фикр-ни шакллантираётган матбу-отга ёрдам бермас, ташкилот ва қорхоналар эса матбуотни тарғиб этишга ҳисса қўш-мас, эртага нима бўлади? Бу билибми-билмайми,

мамлакатимизда манқуртлар авлодини тайёрлашга даъ-ват қилишга ўхшаб кетма-яптими? Кимнингир буюр-тмасидек туюлмаптимиз, бу ишлар? Заводлар, йирик қорхоналар қурагимиз, йўллар, кўприклар, минг-минглаб янги уйлар бунёд этармиз, аммо кеча олийгоҳни тамомла-ган педагогларимизга китоб ўқишни тавсия этмасак, эски ва янги тарихимизни, ким бўлганимизни айнан уларга тушунирмасак, қўлига эса ҳеч бўлмаса «Маърифат» га-зетасини тутқизмасак, устоз-ларни, ёшлар ва айниқса, талабаларни, адабиёт ва тарихдан, мамлакатдаги си-ёсий жараёнлардан воқиф этмасак, охири нима бўлади? Узоқ ва яқин тарих шун-дай ҳолатларга кўп бора гувоҳ бўлган. Айнан шундай йўллар билан қанчадан-қанча давлатлар, халқлар парок-анда қилинган. Атрофга бир қарайлик, халқимиз, фар-зандларимиз севиб ўқийдиган айрим наشرлар бирин-кетин ёпиляпти. Ёшлар нашр-лари оғир иқтисодий танглик кўчасидан ўтаётганини ҳар кун гапиряпмиз. Сунги маъ-лумотларга қараганда, 10 та ёшлар наشري ёпилиш ара-фасида экан. «Жажжи ака-демик» бунга «тирик» мисол бўлиши ҳам мумкин... Аммо босма наشرларга нисбатан ишонсизликни келтириб чиқарган, «мажбу-рий обуна» атамасини ом-малаштириб, ҳузури қилган доҳийлар узоқ тарихга эга бўлган наشرларни, шу соҳада таққийлаётган наشرларнинг бугунги ҳолатини кўриб ҳам пинакларини буз-

ганлари йўқ. Таниқли блогер Зафарбек мурожаат қилган Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдуразақовнинг эса отасига минг раҳмат, дейимиз. Чунки у «Эртага би-рон журналист, бирон блогер босма наشرларни қўллаб-қувватлаганимизни ёзда, мени танқид қилади», демай вазия-тни ҳолис баҳолабди. Прези-дентимизнинг устоз ва мураб-бийлар кундаги аниқ-тиниқ чақириқларини тўғри тушу-нибди. Эшитишимизча, бошқа ҳудудларимизда ҳам босма наشرларни тарғиб қилиш, тавсия этишга ҳоқимлар бош қўшаётган экан. Хусусан, Бу-хорода ҳам. Раҳмат уларга, миллий матбуотимизни ҳолис қўллаб-қувватлаётганларни учун. Тўғри, интернет тезкорлик бобида босма наشرларнинг асосий юқини ўз зимма-сига олди. Аммо бу газета ва журналлардан воз ке-чиш керак, дегани эмас. Шу йўл тўғри бўлганида эди, ижтимоий тармоқлар тизи-ми бизникидан минг қарра олдинроқда бўлган АҚШ, Ев-ропа ва Осиёнинг ривожлан-ган мамлакатлари аллақачон босма наشرлардан воз кечи-б, уларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган миллиард-ларни блогерларга тақсимлаб берган бўларди. Чингиз Айтматовнинг «Ас-рини қаритган кун»идеги Най-ман онани бир эслайлик! Жўломонни гапирмайдиган, эшитмайдиган, фақат бир ки-шига қулоқ тутадиган қилиб, манқуртга айланганлар охири нимага эришдилар? Улар ўғилнинг қўли билан Найман онани ўлдиришди.

Балким бу ўхшатиш ун-чалар мос эмасдир мавзу-га. Аммо «мажбурий обуна» баҳонасида жамиятга кенгроқ, таҳлиллар билан, қиёслар билан ахборот тарқатаётган наشرларни бўғаётганлар шуни унутмасинларки, ким-лардир халқни фақат ижти-моий тармоқлардаги ахборот орқалигина бошқаришга ури-наётганга ўхшайпти. Бу фикр энг аввало журналистларни ҳушёрликка чорлаши керак. Бунга эришиш учун эса биринчи қадам сифатида миллий матбуотимизнинг энг кучли бўғини саналган бос-ма наشرлар сунъий тарзда халққа ёмон кўрсатилмапти. Ахир газета ва журнал-лар бош муҳаррирларни халқимизга шакар ёки кон-серва маҳсулотини тақдир қилмаётдиларку! Бор-йўғи 1 йилда битта нашрга обу-на уюштиришга ёрдам сўрашапти. Кимдир ўқисин, ниманидир ўргансин, олди-қочди хабарлардан кўра, ўн марта текширилган маълум-отлардан хабардор бўлсин, дейишмоқда. Тўғри, бундан 2-3 йил илгари «газеталаримиз замон, ўқувчи талабига жавоб бермапти, улар халқ дарди-дан узоқ» деяётганлар фикрига қўшилмаслик мумкин эмас эди. Аммо бугун ана шундай фикр юритаётган дўстларга бир боғ аччиқ қалампирнинг пулига беш-ўнта газета сотиб олишни маслаҳат берган бўлардим. Ҳеч бўлмаса энди-энди тета-пола бўлаётган Янги «Миллий тикланиш» газетасини...

Ҳурмат билан,
Миродил
АБДУРАҲМОНОВ

Алаҳсирашларга чек қўйиш пайти келмадимми?

https://t.me/fayzboguz телеграм каналдан олинган куйидаги матн таҳрирсиз ва бирон-бир ўзгаришларсиз эълон қилинапти. Тан олиш керак, унда миллионлаб юртдошларимизни бефарқ қолдирмайдиган муҳим масала – парламент сайловларидан кейинги парламент куйи палатаси фаолиятига муносабат билдирилган. Хусусан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолиятига ҳам. Аммо бундай муҳим мавзуга қўл уришдан олдин партиянинг ва партия фракциясининг ўтган даврдаги фаолияти биров ўрганилганида эди, бундан телеграм канали мижозлари ҳам, сиёсий мавзуларга қизиқувчи ўқувчилар ҳам ютган бўлардилар... Қайд этиш жоиз, ўтган сайловлардан кейин Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари бир қатор ташаббус ва тақдирларни илгари сурдилар. Шулардан айримларини санаб ўтсак: ўтган 9 ойда фракция аъзолари томонидан юртдошларимиз манфаатига зид тарзда қабул қилинаётган 14 та қонун лойиҳаси рад этилди. Эътибор беринг, гулдурос қарсақор билан қўллаб-қувватланди эмас, айнан рад этилди. Фракция аъзоларининг саъй-ҳаракати билан номига қабул қилинаётган «Давлат тили тўғрисида»ги қонун лойиҳаси «конвайер»дан

олиб қолинди. Айна пайтда ушбу муҳим қонун нормалари зиёли юртдошларимиз тақдирлари асосида бугунги кун талабларига мослашти-риляпти. Яна бир муҳим масала. Ўтган ҳафта парламентда «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қабул қилинганидан барчамиз хабардоримиз. Ана шу лойиҳа муҳокамалари чоғида фракцияимиз аъзо-ларининг қатъийлиги билан умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун қўшимча 100

миллиард сўм, «Эл-юрт» умиди фондига эса қўшимча 32,5 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратиладиган бўлди. Кўрса ҳам ўзини кўрмасликка оладиган, эшитса ҳам ўзини гундек тутадиган айрим жур-налист ва блогерлар ҳам бунини кўришди, эшитишди. Аммо муносабат билдиришмади... Шунингдек, партия етакчиси Алишер Қодиров томонидан мактаб ўқувчилари учун бе-пул тушлик бериш, бунинг учун мактаб ошхоналари фаолиятини йўлга қўйиш, ошхонаси бор мактабларда уларни таъмирлаш тақдир-илгари сурилганини, масала моҳиятидан келиб чиқиб, ҳукумат томонидан ҳам ушбу тақдир маъқуланганини айтиш мумкин. Аммо ушбу тақдир ҳам ё салбий, ёки ижобий тарзда баҳоланмади. Бундан икки ойларча олдин эса партия Халқ таъбиратини ривожлан-тириш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тақдир билан чиққани ҳам кўпчилиكنинг ёдида бўлса керак. Ҳўш, агар қандай ма-салада биринчи бўлиб «хайп»лашга ишқибоз бўлган блогер Сафари жаноблари Халқ таъбиратини ривож-лантирилишини генцид деб аташгача борганди. Аммо блогерларимиз орасида нега бундай ноҳолислик қилинган, дегувчилар топилмади... Эро, ушбу соҳа бўйича Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2 та муҳим қарори қабул қилингани партия ташаббусининг ниҳоятда муҳим эканидан далолат бе-риши мумкин. Ўтган 9 ойда пандемия ва карантин чораларига қарамадан маҳаллий кенгаш депутатлари ва партия фаол-лари томонидан «Уйма-уй» лойиҳаси доирасида 77401 та оила қамраб олинди, 400 минг нафарга яқин фуқарога жами 6 млрд. 608 млн. 519 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. 3256 та дорихона, 692 та бозор ҳамда 7896 та савдо мажмуалари (шаҳобчалари) фаолияти ўрганилди. 560 га яқин ман-сабдор шахсларнинг ахборот ва ҳисоботлари эшитилди... Сал бўлса-да ўзини хурмат қилган журналист ёки блогер шубҳасиз партия етакчиси-ни «мавзуга мос келмаган баёнотлари билан эл озгига қўйган»ликда айбладиган олди-ноқоридегидек рақамларни тилга олган, шундан кейинги-на асоси бўлса, танқид қилган бўларди. «Файзбоғ»нинг чиқишида партия газетаси ҳам «провакатор»ликда айб-ланибди. Партия наشري қаерда ва қандай ҳолатда провакатор-ликка йўл қўйганига бирон мисол келтириб, камчилиги-мизни кўрсатганлариди хур-санд бўлардик. Ваҳоланки, газета «хой, баччагар» дея бир дўк урса, ёзганини «шессекунд»да ўчириб таш-лайдиган сайтлардан сал-

пал фарқ қилишини эсдан чиқармаслик керак. Танқид қилинг, камчиликлар, муаммо-ларни очик айтинг, бу сизнинг ҳуқуқингиз. Аммо асослар билан, фактлар, оғир-вазмин мулоҳазалар билан. Катта-гина матннинг қоқ ўртасидан тўртта иборани юлиб олиб, муаллифни танқид қилиш ўқувчиларга хиёнат қилиш билан тенг. Чунки блогерлик кимни ёқтира ётқузиб мақтайдиган, ёқмаса, ёхуд айтганини бер-мас, эрка келиндек араз-лайдиганлар соҳаси эмас. Блогерлар орасида уч юз минглаб ўқувчиси бўлса-да, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳурмат қилаётганларни ёки тил, тарих, адабиётга доир таҳлилий мақолалари билан академикларни ҳам ўзига қаратаётганларини кўряпмиз... Улар билан ҳам фахрлан-масан, ҳам гурурланмасан. Аммо беш қўл баробар эмас, деганларидек, очик-ойдин ҳақоратга, камси-тишга ўтаётганлар қонун-ларимизнинг ўта «сахий»ли-гидан унумли фойдаланиша-ётган кўринади. Бизнингча, ушбу масалада кескинроқ қарорлар қабул қилиш пайти келганга ўхшайди. Балки шунда алаҳсираш-ларга, кимларнингдир бу-юртмаси билан бошқаларни ҳақорат қилишларга чек қўйилар...

Умид АРСЛОНБЕКОВ



Ҳаётнинг ўлчови умр узунлигида эмас, сиз уни қандай
 фой-далана олганингиздадир.

М. Монтень.



Пандемия туфайли юзага келаётган иқтисодий таназзул ҳолатидан беталафот чиқиб олиш учун дунё давлатлари барча чораларни кўрмоқдалар.

ЭИЗлар йўлидаги сунъий «Навои»лар

Масалан, Италия, Ҳиндистон, Гватемала, АҚШ ва Африка сингари мамлакатларда асосий эътибор иқтисодийнинг айрим тармоқларига имтиёз ва эркинликлар бериш ва ЭИЗлар ташкил этиб, уларни ривожлантиришга қаратилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам шу кунгача 21 та, жумладан 12 та саннат, 7 та фармацевтика, 1 та кишлоқ хўжалиги ва 1 та туризм соҳасидаги ЭИЗларда 2,1 млрд.долларлик (шундан 0,7 млрд.доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар) 365 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди.

Маълумки, 2008 йилдан буён ЭИЗлар ташкил этиш ва ривожлантиришга оид ўнлаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг иштирокчиларига қурилиш материаллари, технологик ҳиҳозлар ва ишлаб чиқариш учун хом ашё ва материаллар импортига божхона тўловлари ва қўшилган қиймат солиғи тўлашда имтиёз ва преференциялар берилди.

Бирок, бугунги иқтисодий инқирозлар туфайли ЭИЗлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар учрамоқдаки, буни Навоий эркин иқтисодий зонаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Энг асосийси, ЭИЗларнинг тўлақонли юридик инфратузилмаси яратилмагани, қонун, қонуности ҳужжатлари, низом ва тартиблар мукамал ишлаб чиқилмагани, шунингдек, ЭИЗлар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари ва тартиб-қоидаларнинг тез-тез ўзгараётгани инвесторлар ва хорижий компанияларнинг ўз фаолиятини аниқ белгиланган стратегия билан амалга ошириш имкониятига, шунингдек, режа ва қарорларини тинимсиз ўзгартиришларига сабаб бўлмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир-бирига зид келиши ёки бошқача талқин қилиниши эса инвесторларда Ўзбекистонда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланмагани ва сармоясини ҳимояланмагани, деган тўшунча ҳосил бўлишига олиб келмоқда.

Шу ўринда ЭИЗ иштирокчиси бўлиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхатида бизнес режа лойиҳасини тақдим этиш ва унда тижорий сирларнинг ақс этирилиши лозимлиги кўпчилик инвесторларда норозилик кайфиятини келти-

риб чиқаряпти.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари – «Навоий» эркин иқтисодий зонаси қатнашчилари ва уларнинг оила аъзоларига инвестиция визасини беришнинг алоҳида тартиби белгиланган. Аммо шунга қарамай, ушбу визаларни бериш Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги қароридан белгиланган умумий тартибда амалга ошириляпти.

Юқоридаги Фармон асосида Навоий вилоятининг ҳудудий чегаралари ичда инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошираётган корхоналарга «Навоий» ЭИЗ иштирокчиси мақоми берилиши ҳам белгиланган. Лекин ушбу тартибга ҳам амал қилинмаяпти. Яъни, «Навоий» ЭИЗ иштирокчилари вилоятнинг бошқа ҳудуди (мисол учун, тоғ-кон ҳудудлари)да фаолият олиб борганларида уларга имтиёз ва преференциялар қўллашга рухсат берилмаяпти.

Бундан ташқари, ЭИЗлар учун солиқ ва божхона тўловларига оид амалдаги махсус имтиёзлар мазкур зоналарга кирувчи корхоналарнинг тўла ривожланиши учун етарли эмаслигини ва улар мамлакатнинг бошқа ҳудудларида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлардан фарқ қилмаётганини таъкидлаш жоиз.

Мана бир мисол: «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан «Навоий» ЭИЗ иштирокчилари учун алоҳида имтиёзлар белгиланган. Бироқ бошқа бир ҳужжат билан мазкур имтиёзлар бекор қилинган.

Яна бир муҳим масала,

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ёки ички бозор тўйинмаган товарларни ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё импортига нисбатан божхона имтиёзлари белгиланмагани ҳам ЭИЗлар фаолиятини тўла ривожлантириш имконини бермаяпти.

Гарчи «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 16-бандига мувофиқ, ЭИЗларда рақобат муҳити яратилган, ички бозор тўйинган ёки ишлаб чиқариш ҳажмлари ички бозор эҳтиёжларини қоплайдиган, ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарадиган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга доир инвестиция лойиҳалари амалга оширилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлса-да, айнан ушбу Қонуннинг 39-моддаси-

тўловни ундириш механизмлари аниқ белгиланмаган.

Натижада «Навоий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги корхоналар маъмурий тўлов бўйича шартномалар тузишдан бош тортмоқдалар. Бу эса молиявий қийинчилиكنи юзага келтириб, дирекциянинг ўз Уставида белгиланган вазифаларини бажаришига тўсиқлик қилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, юқоридагидек муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда ЭИЗлар фаолиятини жадаллаштириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим.

Биринчидан, ЭИЗлар фаолиятига оид инвестицион сиёсатни қайта кўриб чиқиш, пандемия туфайли юзага келган иқтисодий инқирозни ҳисобга олган ҳолда, ЭИЗларни ривожлантиришнинг янги

ЭИЗлар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари ва тартиб-қоидаларнинг тез-тез ўзгараётгани инвесторлар ва хорижий компанияларнинг ўз фаолиятини аниқ белгиланган стратегия билан амалга ошириш имкониятига, шунингдек, режа ва қарорларини тинимсиз ўзгартиришларига сабаб бўлмоқда.

да маҳсулотларни экспортга реализация қилиш учун фойдаланадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кирилгандагина божхона тўловларидан озод этилиши кўрсатилган.

Бундай ҳолатлар, яъни, қонун ва қонуности ҳужжатларининг бир-бирига зидлиги инвесторларнинг қарор қабул қилишда иккиланишларига олиб келмоқда.

Маълумки, ЭИЗ иштирокчиларига маслаҳат, воситачилик хизматларини кўрсатиш, уларнинг Ўзбекистон ва хориждаги кўргазма ва ишбилармонлик тадбирларида қатнашишини ташкил этиш, иштирокчининг буюртмасига кўра, тижорат асосида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш орқали уларга маҳсулотлар экспортда кўмаклашиш учун дирекцияларнинг асосий молия манбаи — ЭИЗ иштирокчилари томонидан ажратиладиган йиллик маъмурий тўлов ҳисобланади.


Бирок, ҳалигача амалдаги қонунчиликда маъмурий стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

БМТ Савдо ва Тараққиёт Конференцияси (UNCTAD)нинг «Халқаро ишлаб чиқариш – пандемиядан сўнг» (WIR 2020) ҳисоботида тавсия этилган стратегик йўналишлардан келиб чиқиб, ЭИЗлар фаолиятини диверсификация қилиш, бунда нафақат экспортга йўналтирилган катта масштабдаги инвестицион лойиҳаларни, балки турли соҳаларга йўналтирилган кичик масштабдаги ишлаб чиқариш ва хизмат турларини ҳам кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

ЭИЗларда инвестиция фаолияти учун жозибдор бўлган янги инновацион технологиялар кириб келиши ва барқарор ривожланиш учун минтақавий ва субрегионал даражада алоқаларни таъминлаш мақсадида мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш, ЭИЗ иштирокчилари учун бошқа ҳудудлардагидан фарқи равишда алоҳида солиқ имтиёзларини тақдим этиш ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ёки ички бозор тўйинмаган маҳсулотлар ишлаб чиқаришини ташкил этишда, импорт қилинаётган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар мамлакат ҳудудида олиб кирилганда божхона тўловлари бўйича алоҳида имтиёзларни тадқиқ этиш;

кўп тармоқли саноат кластерлари ва минтақавий трансчегаравий ЭИЗларни ривожлантириш имкониятларини кўриб чиқиш;

ЭИЗларда инфраструктура ва ички хизматларга инвестицияларни рағбатлантириш имкониятларини кенгайтириш. Инфратузилмани ривожлантириш, жумладан, коммуникация тизимлари, йўллар, электр, газ тармоқлари билан таъминлашни жадаллаштириш;



эркин иқтисодий зона иштирокчиларига алоҳида банк ва валюта, логистика операцияларини эркин амалга оширишга имкон яратувчи хизматларни тақдим этиш, бунда хорижий инвестор кирувчи давлатдан кам бўлмаган банк, логистика хизматларини олишига тўлиқ имконият яратиш;

динамик ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, эътиборни тор ихтисослашувдан ишлаб чиқариш базасини кенгайтиришга қаратиш;

саноат кластерини (кичик тадбиркорликни қўшган ҳолда) кучайтириш ва ЭИЗларни ва илмий паркларни қайта тиклашга эътибор қаратиш.

ЭИЗларда инвестицияларни рағбатлантиришнинг янги стратегиясини ишлаб чиқиш. Бунда инвестицияларни рағбатлантиришнинг устувор йўналишларини ўзгартириш, ривожланиши кафолатланган ва барқарор бўлган яшил иқтисодиёт ва рақамли соҳага инвестицияни рағбатлантиришга аҳамият қаратиш.

Иккинчидан, ЭИЗлар фаолиятига оид тўлақонли ҳуқуқий инфратузилмани яратишни бугунги тезкор давр талаб этмоқда.

БМТ Савдо ва Тараққиёт Конференцияси (UNCTAD)нинг 2019 йилдаги (World Investment Report 2019 - Special Economic Zones) ҳисоботидаги тавсияларга кўра, эркин иқтисодий зоналарнинг юридик инфратузилмаси унинг сиёсати изчил, ошқора ва прогнозли бажарилишини таъминлаш учун етарлича барқарор бўлиши керак.

Халқаро тажрибага мувофиқ, эркин иқтисодий зоналар фақат солиқ ёки божхона тўловларини тўлашдан озод ҳудуд эмас, балки мамлакатнинг бошқа қисмларидан ўзига хос тарзда ажратилган юридик, ҳуқуқий тартибга солувчи ва фискал имтиёзларга эга бўлган «анклав» ҳудуд ҳисобланади. Шунингдек, мазкур ҳудудлардаги корхоналар ва компаниялар учун мамлакатнинг қолган қисмидан турлича бўлган бизнес юритиш қоидалари, инфратузилма шароитлари ва турлича хизматлар тақдим этадиган «сиёсий воситалар тўплами» тартиблари амал қилади.

Айнан шуларни ҳисобга олган ҳолда, эркин иқтисодий зоналар фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тартиб нормаларини тақомиллаштириш юзасидан концепция ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Унда:

ЭИЗлар фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, бир-бирига зид келаётган нормаларни тако-

миллаштириш ва шу орқали халқаро тавсия этилган стандартларга кўра, эркин иқтисодий зоналарни юридик жиҳатдан тўлақонли «анклав» ҳудудга айлантириш кўзда тутилиши лозим.

«Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига кўра, агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестиция қилиш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, инвестиция қилиш санасида амалда бўлган қонун ҳужжатлари чет эл инвесторларига нисбатан инвестиция қилиш пайтидан эътиборан ўн йил мобайнида қўлланилиши ва инвестор ўзининг инвестиция қилиш шарт-шароитларини яхшилайдиган янги қонун ҳужжатлари қоидаларини ўз хоҳишига кўра қўллаш ҳуқуқига эгалиги белгиланган.

Мазкур қонун талабларини инобатга олган ҳолда, эркин иқтисодий зоналар бўйича тартиб ва нормаларни тақомиллаштиришда ушбу нормаларнинг келгусида камида ўн йил ичида ўзгармаслиги кўзда тутилиши, мақсадга мувофиқ бўларди.

Эркин иқтисодий зоналарни тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи дирекциялар фаолияти самардорлигини ҳам кескин ошириш лозим.

Жумладан, эркин иқтисодий зона иштирокчилари дирекцияга йиллик бизнес-режада белгиланган эҳтиёждан келиб чиқиб тақсимланган микдорда йиллик маъмурий тўловларни тўлаши, дирекция ходимларини халқаро кўргазмаларда қатнашиш, маркетинг ўрганишларини амалга ошириши учун молиявий манбалари тўғрисидаги ҳуқуқий механизмларни тўлиқ жорий қилиш, шунингдек дирекциялар ҳузурида инвесторларга талаб этиладиган мутахассисларни излаш, танлаш ва бирламчи кўникама бериш марказини яратиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, БМТ Савдо ва тараққиёт конференцияси (UNCTAD)нинг 2020 йилдаги ҳисоботи (World Investment Report 2020)да келтирилишича, жаҳондаги глобал таъминот занжирлари COVID-19 пайтида жуда катта зарар кўрди. Айнан шу жиҳатдан, мазкур зарарларни чеклаш ва таназзулни юмшатиш учун Ўзбекистонда ҳам юқорида келтирилган чораларни имкон қадар тезроқ жорий этиш ЭИЗларнинг барқарор ривожланишига олиб келади.

Фурқат ЮНУСОВ,
«Тараққиёт стратегияси»
 маркази лойиҳа раҳбари.

✓ **Ҳудудий кенгашларда**

Наманган вилояти

Ҳайдовчиларга аталган совғалар

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Наманган вилояти кенгаши вилоят Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамкорлигида Бош Қомусимиз қабул қилинганнинг 28 йиллиги муносабати билан аҳолига байрамона тарғибот акциясини ўтказди.

Тўрақўрғон туманининг Исфаҳон, Наманган шаҳрининг И.Каримов кўчаларида ўтказилган акция доирасида юзлаб ҳайдовчиларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси китобчаси совға қилинди.





Содиқ киши садоқатни қўлдан бермайди, сотқин хоинлик қилади, қаҳрамон охиригача курашади. Ҳар бир кишида куч ва заифлик, мардлик ва қўрқоқлик, қатъийлик ва иккиланиш, поклик ва ифлослик бор... Ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўлиш керак.

Ю. Фучик

Қондек қизил тонг шуъллари

Туркистон халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда жаҳон халқларидан орта қолаётганини XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган илғор фикрли зиёлиларимиз ўз вақтида англаб етган эдилар. Улар бундан қутилишнинг ягона йўли сифатида илм-маърифатни танлашди. Хусусан, ушбу даврда ижод этган атоқли шоир Зокиржон Фуркат илм-фаннинг тараққиёт учун нечоғлик аҳамиятли эканини англаб, қуйидаги байтни битган эди:

Керак ҳар илмдан бўлмоқ хабардор,

Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.

Зиёлиларимиз қоқоқликдан қутилишнинг асосий шариhi деб, маърифатни бежиз танламадилар, албатта. Шунинг учун ҳам XIX асрнинг сўнги чорагида водийда дастлабки янги усул мактаблари очила бошлади.

Фарғона ўқув юртлари инспекторининг Туркистон ўқув юртлари бош инспекторига 1909 йил 6 декабрда йўллаган маълумотномасида кўрсатилишича, дастлабки янги усул мактаби Қўқон уезида Аҳмаджон қори томонидан 1892 йилда очилган.

Фарғонадаги жадидчилик ҳаракати намояндаларидан бири Исҳоқхон Иброт ҳам Қўқонда мадрасани тамомлагач, 1886 йилда Тўрақўрғонда шундай мактаб очади. Бироқ ушбу мактаб тез орада ёпилади.

Шунга қарамай, XX аср бошларига келиб водийда ўнлаб янги усул мактаблари фаолият юрита бошлайди.

XX аср бошларида Россия империясида талабалар ҳаракати кенг ёйилгани каби мусулмон мадрасаларида ҳам талабаларнинг сиёсий фаолиги бир мунча ортган эди. Жумладан, Фарғонада дастлабки тараққийпарвар жамяятлар ташкил топди. 1908 йилга келиб эса Қўқон шаҳрининг бир гуруҳ илғор фикрли мадраса талабалари томонидан «Шамсинур» жамяяти ташкил этилади.

Ушбу жамяят аъзолари оммани илм-маърифатли қилишни, мадрасаларда аниқ фанларни ўқитиш жорий этилишини биринчи галдаги вазифалардан деб билдилар.

Жамяят йиғилишларида ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалар ҳам муҳокама қилинарди. Қайд этиш жоизки, «Шамсинур» жамятига жадидларнинг сезиларли таъсири бўлган. Фарғонанинг атоқли жадидларидан бири бўлган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам ўз сиёсий фаолиятини илқ бор ана шу жамяятнинг бошлаганини таъкидлаш жоиз.

1912 йилнинг 20 июлида эса Қўқон шаҳрида «Қўқон артистлар тўрағи» таш-

кил этилиб, Ҳамза унинг асосчиларидан бири бўлди. Тўрақўқоннинг мақсади драматик асарларни ўрганиш, уларни сахналаштириш ва санъат ҳаваскорларини унга жалб этишдан иборат эди. 1914-1916 йиллар давомида ушбу тўрақўқон аъзолари 20 га яқин адабий-публицистик асарларни сахнага олиб чиқдилар.

1916 йили Қўқон шаҳрида «Ғайрат» жамяти ҳам тузилади. Ушбу жамяят янги усул мактабларини дарслик, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари билан таъминлашни, халқ орасида китоб, газета ва журналларни маҳаллий тилда чоп этиб, тарқатиш вазифасини ўз зиммасига олади. Шу ўринда жамятга қарашли дуконда ўша даврда маҳаллий аҳоли орасида машҳур бўлган «Вақт», «Сўз», «Очиқ сўз» газеталарининг савдоси қизгин бўлганини қайд этиш жоиз. Бундан ташқари, жамяят аъзолари Андижонда рус тилида нашр этиладиган «Туркестанский голос» газетасини ҳам тарқатадилар.

Анатолий Чайкин муҳаррирлигида нашр этилган «Туркестанский голос» газетасининг Фарғона жадидлари томонидан тарқатилишини эса тараққийпарварлар билан рус демократлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бир кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

Ушбу нашр саҳифаларида мактаб-маориф тизими ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилинган эди: «... Маданиятнинг ерли аҳоли ҳозирги замон шароити уларнинг болалари олдига қандай талабларни қўётганлигини бутунлай англаб етдилар. Бугунги рус-тузем мактабларининг қониқарсизлигидан, улар ўз фарзандларини билмли қилиш учун бошқача йўللارни қидира бошладилар. Бунинг натижасида янги усул мактаблари пайдо бўлди...».

«Ғайрат» мусулмон маърифатпарварлик жамяти аъзолари орасида «Туркестанский голос» газетасининг кўп сонли пайчилари ҳам бор эди. Газета муҳарририятининг умумий раҳбарлиги остида 1916 йилнинг октябрь ойидан бошлаб, Андижон шаҳрида маҳаллий тилдаги матбуотни ташкил этиш учун ҳаракатлар ҳам бўлган.

Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, 1916 йил 9 октябрда Қўқон шаҳрида таниқли жадид, жамятининг фаолларидан бири ҳисобланган Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов хонадонида «Ғайрат» жамяти нашри афкори ташкил этиш, хусусий босмахона масалаларини ҳал қилишга бағишланган навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтди. Нашр учун Қўқоннинг маҳаллий бойлари маблағ ажратажакларини билдира-

дилар. Махфий полиция маълумотларига кўра, «Ғайрат» жамяти «Еш сартларнинг тўнғич ташкилотларидан» бўлган.

Мустамлакачилар Тошкентда чоп этиладиган «Садойи Туркистон» газетасини ёпиб қўйганларидан кейин, таниқли жадид Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев Тошкентдан Андижонга келади. Миллий матбуотимизнинг қалдирғочлари «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат» ва бошқа газеталарнинг ҳеч қанча сони чиқмасдан ёпиб қўйилиши, чор маъмурларининг ўлка халқларини ҳар жиҳатдан асоратда сақлашга интилишларининг бир кўриниши эди, холос. Худди шундай аянчли қисмат «Садойи Туркистон» газетаси бошига ҳам тушади. Шундан сўнг газета муҳаррири Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев газетани Андижонда чиқаришга ҳаракат қилади. Бироқ Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Асадуллаҳўжаевнинг газета чиқаришига руҳсат бермайди.

1916 йилда жадидлар томонидан Андижон шаҳрида «Тараққийпарвар» жамяти тузилади. Бу даврда ўлка жадидларининг сиёсий фаолиги анча ошган, улар ўз йиғинларида, газета ва журналлардаги мақолаларида маърифий маззулар билан бирга ижтимоий, иқтисодий масалаларни ҳам кўтариб чиқа бошлаган эдилар. Ушбу жамяят таниқли жадид Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев раҳбарлигида тузилади, унинг сафида маҳаллий миллат вакилларидан ташқари Чайкин, Шапиро ва Оқун каби бошқа миллат вакиллари ҳам бор эди.

Жадидларнинг серкирра фаолияти ҳақида гап борганида, андижонлик тараққийпарварлар томонидан Маҳмудўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси сахналаштирилганини таъкидлаш жоиз. Пьеса янги усул мактабларининг ўқитувчилари ва театр ҳаваскорлари томонидан ижро этилган эди.

1916 йилнинг октябрь ойи бошларида Андижон шаҳрида муҳолифат йўналишидаги «Туркестанский голос» газетаси идорасида муҳаррир А.А.Чайкин бошчилигида ҳар куни кечқурун 20 га яқин илғор фикрли ёшларнинг йиғилишлари ҳақидаги маълумотлар тўпланар эди. «Тараққийпарвар» ёшлар ушбу йиғилишларда ижтимоий-сиёсий вазиятни атрофлича муҳокама қилар эдилар.

Маълум бўлишича, Николаев II томонидан 1916 йилнинг 25 июнида имзоланган фронт ортидаги ишлар учун маҳаллий аҳоли орасидан мардикорликка олиш ҳақидаги фармон Андижон-



да ҳам кескин норозиликларга сабаб бўлади. Июль ойига келиб эса бир гуруҳ тараққийпарварлар жамоатчилиги номидан Петербургда бориб, Туркистонда рўй бераётган воқеаларни баён этадилар ва Давлат Думаси аъзоларининг Андижонга келишларини муҳим масала сифатида ўртага қўйдилар. Шундан кейин IV Давлат думаси аъзолари А.Ф.Керенский ва К.Б.Тевкелевлар 24 август куни Андижонга келиб, жомъе масжидида маҳаллий аҳолининг арз-шикоятлари хусусида сўровлар уюштиришди. Депутатларни таниқли жадидлар Асадуллаҳўжаев, Мустафо Чўқаев ва бошқалар кузатиб бориларди.

Қайд этилишича, аҳолининг ариза ва шикоятларини Асадуллаҳўжаев рус тилига таржима қилиб, Куропаткинга, реал вазиятни тушунтириб берган. Асадуллаҳўжаевнинг

генерал-губернатор номига ёзилган аризасида эса подшо маъмурларининг порахўр, товламачи эканини фош этувчи мисоллар ҳам келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, тараққийпарварларнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмайди. Тез орада генерал-губернатор фармони билан Андижон уезди бошлиғи ва шаҳар бош оксоқоли ўз вазифаларидан озод этиладилар. Бу эса тараққийпарварларнинг халқ орасида обрў-эътиборлари ошишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона водийсида жадидчилик ҳаракатининг ривожланиш жараёни 3 та босқичга бўлиш мумкин:

1) XIX аср охириларидан 1908 йилгача бўлган маърифатчилик босқичи. Бу даврда водийда дастлабки янги усул мактаблари, яъни Тўрақўрғонда Исҳоқхон Иброт, Қўқонда Мулла Шо-

азим домла, Салоҳиддин домла, Абдулваҳҳоб Ибодий, Андижонда Шамсиддин домла, Азим Қодиров ва бошқалар томонидан мактаблар очилади. Шунингдек, ушбу йилларда «Таржимон» ва бошқа газета-журналлар водий зиёлилари орасида кенг ёйилади. Наманганда эса Исҳоқхон Иброт томонидан «Матбаа Исҳоқия» босмахонаси очилади.

1908 йилдан 1917 йилгача эса маърифатпарварликнинг кенгайиши ва сиёсий фаоллашув даври бўлди. Бунга Қўқонда «Шамсинур» жамяти (1908), «Артистлар тўрағи»нинг (1912) тузилиши, жадид мактаблари сонининг ортиб боришини мисол сифатида келтириш мумкин. Шунингдек бу даврда Миллий матбуот ривожланиб, янги усул мактаблари учун дарсликлар яратилди. Андижонда «Тараққийпарвар» жамяти, Қўқонда эса «Ғайрат» жамяти ва унинг кутубхонаси очилди. Фарғона жадидлари водийдаги бошқа демократик ҳаракатлар билан ҳам ҳамкорлиқни йўлга қўйдилар. Қўқонда «Садойи Фарғона» ва «Ферганское эхо» газеталари чоп этилди, матбаа ишлари йўлга қўйилиб, илм-фан, адабиёт, маданият-маорифни миллийлаштириш йўлидаги ҳаракатлар кучайди.

1917 йилнинг февралидан 1918 йил мартигача эса Фарғона жадидларининг Туркистон Мухторияти учун кураш даври бўлди. 1917 йил февраль инқилобидан кейин «Тирик сўз», «Кенгаш», «Юрт», «Хуррият», «Равнакул Ислому» каби янги журналлар нашр этила бошланди. «Шўро Исломи» фаолиятида эса фарғоналик тараққийпарварларнинг, Туркистон Мухториятида эса Фарғона жадидларнинг иштироки орта бошлади. Аммо буларнинг бари вақтинчалик галабалар эди, холос. Олдинда жадидларни қатагон қурбонларига айлантирувчи оғир давр кузатилган эди.

Яъни, қонга бўялган қипқизил тонг отишига ниҳоятда оз қолганди...

Тоҳиржон ҚОЗОҚОВ,
тарих фанлари номзоди

Ўзбек астроном олими Ислон дунёси фанлар академияси аъзоси этиб сайланди

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Астрономия институти лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор, Бутунжаҳон фанлар академиясининг академиги Бобомурод Аҳмедов Ислон дунёси фанлар академияси (Islamic World Academy of Sciences, IAS)нинг аъзоси этиб сайланди.

2020 йилнинг 1 декабрь куни Иорданиянинг Уммон шаҳрида Ислон дунёси фанлар академияси Бош ассамблеясининг 22-ялпи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда янги аъзолар, шу қаторда ўзбекистонлик олим Бобомурод Аҳмедов ҳам сайланди.

Самаканд вилояти Пахтачи тумани Қарнаб қишлоғида туғилган Б.Аҳмедов бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси

Фанлар Академияси Астрономия институти назарий астрофизика лабораторияси мудири сифатида фаолият юритиб келмоқда. У асосан умумий нисбийлик назарияси, гравитация назарияси, релятивистик астрофизика ва компакт гравитацион объектлар физикаси соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боради. У майдон назарияси, гравитацион ўзаро таъсир назарияси, релятивистик ва ядро астрофизикаси соҳасидаги илмий-тадқиқотлар ва педагогик тажрибага эга. У шу соҳаларда 200 дан ортиқ илмий нашрларнинг муаллифи ҳамда халқаро Scopus ва Google маълумотлар базасида Xirsh индекси мос ҳолда 27 ва 32 га тенг бўлган мамлакатда илмий ишларга энг кўп ҳавола қилинган муаллифлардан биридир.


«Йил олими – 2018» танлови ғолиби бўлган Бобомурод Аҳмедов бугунги кунда Деҳли марказий университетининг фахрий профессори, Халқаро назарий физика маркази (Италия)нинг релятивистик астрофизика ва гравитация фан йўналишлари аъзоси ва минтақавий координатори, Хиндистондаги Астрономия ва Астрофизика университетлар маркази ва Тата фундаментал тадқиқотлар институти аъзоси. Шу билан бирга CNR, DAAD, TWAS, ICTP, Volkswagen, Egastmus+, KFUPM, PIFI, NATO каби халқаро грантлар раҳбари, «Arabian Journal of Mathematics» илмий журнали муҳаррири, «Ўзбекистон физикаси» журнали бош муҳарриридир.

Б.Аҳмедов Ўзбекистонда релятивистик астрофизика бўйича янги илмий мактаб ярат-

ган. У юртимизда ва хорижий илмий масканларда фан докторлари ва фан номзодлари илмий даражаларига эга халқаро миқёсда тан олинган ва истеъдодли ёш олимларнинг улкан жамоасини тарбиялаган.

Ислон дунёси фанлар академияси (ИАС) Иорданиянинг Уммон шаҳрида жойлашган. Академия 1986 йилда Ислон мамлакатларининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун фан ва технологияларни тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган. ИАС академияси, шунингдек, Ислон Ҳамкорлик Ташкилотининг (ИХТ) Илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича доимий кўмитаси ҳисобланади. Унинг аъзоси бўлиш ҳар бир олимнинг дунё ҳамжамяти томонидан тан олинишини аниқлатади.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎЗА



Димогингни кўтарма, бўлмайин десанг оёқ ости, Қамиш кеккайгани учун бўйра бўлди-ю, ҳамма босди. Абдурахмон Жомий.



Одамлар қўл телефонлари ва бошқа мосламалар билан кўринган нарсани суратга олиб ёки жонли суратга олиб, овозлари билан тарқатишга ниҳоятда ишқибоз бўлиб бормоқдалар.

ЭШИТИБ ОЛИНГ!


...Масжидда маъруза қилиш учун тайёрланяпман. Мендан олдин кўлларига телефонларини кўтариб олган ёшлар суратга олишга шайланишмоқда. Улардан баъзилари бошқа намозхонларнинг елкаларини туртиб, олдинга ўтишмоқда. Бошқа бирлари эса чўккалаб олган. Учинчилари ўтирган жойида бўйинни чўзиб, қўлидаги телефони баланд кўтариб турибди. Отаҳонлар бесаранжом бўлишмоқда, баъзилари ҳалиги йигитларни ўтиришга чорлашмоқда. Энг асосийси, сурат

олмоқчи ва овоз ёзмоқчи бўлаётган ёшлар на масжид имомидан, на мендан рухсат сўрашни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Уларнинг фикрича, суратга ёки овоз ёзишга шайланган киши ҳаммадан юқори, унга ҳеч ким ҳалақит бермаслиги ҳам фарз, ҳам вожиб... Муслмон, намозхон кишиларга шу иш муносибми? Йўқ! Бу иш мутлақо муслмонларга хос эмас! Муслмон инсон Аллоҳ Таолонинг уйи бўлмиш масжидда сурат олиш, овоз ёзиш билан овора бўлмаслиги, одоб билан маъруза эшитиши, бошқа

намозхонларга, маърузачига ҳалақит бермаслиги керак. ...Бир одамникида маросимдамиз. Кенг жойга тўйга келганлар учун жой қилинган. Биз ўтирган чорпоя атрофини кўп сонли телефончилар ўраб олиб, суратга олиб, овозимизни ёзишмоқда. Тўсилиб қолган бошқа меҳмонлар тик туриб, бўйин чўзишмоқда ёки «Ўтир, ўтир», деб телефончиларни тартибга чақирмоқдалар. Телефончилар эса парво ҳам қилмасдан, ўз фаолиятларини давом эттириб, бир-бирларини туртишмоқда. Уларнинг фикри-

зикри ўзлари беодоблик қилиб ёзган нарсаларни тезроқ телефон орқали бошқаларга юбориб, шуҳрат қозониш... Муслмон меҳмонларга шу иш муносибми? Йўқ! Бу иш муслмон меҳмонларга мутлақо хос эмас. Меҳмон деган ўзи учун кўрсатилган жойда одоб билан ўтириши лозим. Изи сўрамасдан бировнинг суратини олиш, овозини ёзиш мумкин эмас!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллох, «Хислатли Ҳикматлар» шарҳидан.



Туркийлар

Қиличин ташлади беклар ниҳоят, босилди тулпорлар, тиглар сурони, урхога ўрганган тилларда оят, туркийлар таниди комил Худони.

Қиличлар занглади... фалокат хушёр, туркийлар қувватин берди ерларга. Ҳийлагар дўстлардай яқинлашди ёв комиллик қидирган жасур эрларга.

Илвасин йигитлар, бобир йигитлар, саждага бош қўйди ёвга терс қараб, ғулларни кемириб йиғлади итлар, буюк бошни кесди қилич ярақлаб.

Турқда бош қолмади... қолмади довлар, хотин-халаж қолди мотам кўтариб, «бизга тик қарама» буюрди ёвлар, ёвларга терс қараб яшади бари.

Таланди самовий тулпор уюри, таланди зарлари, зебу забари, терс қараб ўлинг деб ёвлар буюрди, ёвларга терс қараб жон берди бари.

Лаҳадга кирдилар ўзларин қарғаб, қолмади арабий, туркий хатлари, туғингиз деди ёв тескари қараб, ёвларга терс қараб туғилди бари.

Туғилди, туғилди, туғилди қуллар, қирқида қирилган – имдодга муҳтож, ёвларга терс қараб итлардай хурар, бир-бирига душман, бир-биридан кож.

Жўмардлар қирилган Туронзаминда дўзахий тажриба палласин кўрдим: эшшак суврати бор қай бир қавмда, қай бирида тўнғиз калласин кўрдим.

Бу ҳолдан буваклар бўғилиб ўлар, қул Билол эзилиб йиғлар фалакда... Ўзларин ёндирар борлиқдан тўйган Бадахшон лаълидай асл малаклар.

Мўминлар беш бора Аллоҳни эслар, саждага бош қўйиб жаллод тошига. Ўғрилиб сал ортга қарайин деса, бошига урарлар, фақат бошига.

Борми эр йигитлар, борми эр қизлар, борми гул бағринда жўмард нолалар, борми бул тупроқда ўзлигин излаб, осмону фалакка етган болалар.

Бор бўлса, аларга етқариб қўйинг, бир бошга бир ўлим демаган эрмас, шахидлар ўлмайди, бир қараб тўйинг: Ёвга терс қараган муслмон эмас!

Ёвга терс қараган муслмон эмас! Ёвга терс қараган муслмон эмас! Ёвга терс қараган муслмон эмас! Ёвга терс қараган муслмон эмас!



Янги Ахсидан ноёб Дамашқ қиличи топилди

Ахсикент ёдгорлиги – қадимий шаҳар харобаси Наманган вилояти Турақўрган туманидаги Шаҳанд қишлоғи ҳудудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев кўрсатмаси асосида Ахсикентнинг ҳаққоний тарихини ўрганиш, мазкур ҳудудни туризм маконига айлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар асосида бу ерда турли даврларга оид икита шаҳар бўлганлигини, улардан бири қадимги Ахсикат ва иккинчиси Бобур туғилган Ахси эканлиги исботланган. Унинг харобалари маҳаллий халқ орасида Янги Ахси топоними билан аталиб, ҳозирда унинг

озроқ қисми Якка йигит қишлоғи тагида сақланган. Ҳозирда қадимги шаҳар харобаларида қазилма ишлари олиб борилмоқда. Аввалроқ сайтимиз орқали Янги Ахсида тўпланаётган юзлаб топилмалар қаторига пўлат ханжар ҳамда "Оятал курси" битилган мис пиёла кўшилгани ҳақида хабар берган эдик. Навбатдаги топилма ноёб Дамашқ қиличи Ахси осори-атиқалар музейига 510-экспонат сифатида рўйхатга киритилди. Таъкидлаш керак, Ахсикентда тайёрланган қуроллар "Дамашқ қиличлари" номи билан дунёга машҳур бўлиб, Ғарбда Дамашқ, Шарқда Хитой бозорларида сотилган.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ

Grid of words and phrases for a word search puzzle.

Обуна - 2021! «Миллий тикланиш» газетасига обуна бошланди! Обуна индекси 158

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОИЙ-СИЭСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси, Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аббор ПЎЛАТОВ, Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Минхожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Отабек ЖИЯНБОВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир: Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктан назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир: Равшан МАҲМУДОВ Навбатчи: Вилоятхон ШОДИЕВА Дизайн: Мазмуржон ҚУДРАТОВ

Электрон почта: mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона (факс): (0-371) 232-12-03, +99897 741-20-22, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқарилади. Адади – 2809. Газетанинг баҳоси келишилган нархда. Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ Буюртма – 1226 Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди 4:00

ISSN 2010-7714